



ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ёдгоров Хушвакт

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0000-1926-4610

yodgorovkhushvaqt@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг умумий тавсифи, дори воситалари саноати корхоналарида ёрдамчи ва умумий ишлаб чиқариш хўжалиklarининг вазифалари, ушбу хўжалиklarда ишлаб чиқариш жараёнлари, ушбу корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек мазкур мақолада дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида дори воситалари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг зарурияти ва уларнинг вазифалари тавсифи, асосий ишлаб чиқариш босқичининг таркиби ва ҳар бир жараёнлар бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: дори воситалари, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

РУКОВОДСТВО ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ ПРОЦЕССОВ ПРОИЗВОДСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ

Ёдгоров Хушвакт

Самарқандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье представлено общее описание деятельности предприятий по производству лекарственных препаратов, задачи вспомогательных и общих производственных предприятий фармацевтической промышленности, производственные процессы на этих предприятиях, а также специфические особенности учета на этих предприятиях. Кроме того, в статье рассматривается необходимость организации учета лекарственных препаратов на предприятиях по производству лекарственных препаратов и описание их задач, состав основного производственного этапа и специфические особенности учета по каждому процессу.

Ключевые слова: лекарственные препараты, предприятия по производству лекарственных препаратов, процессы производства лекарственных препаратов, бухгалтерский учет процессов производства лекарственных препаратов, международные стандарты финансовой отчетности.

DRUG PRODUCTION PROCESSES ACCOUNTING GUIDELINES

Yodgorov Khushvakt

Samarkand Institute of Service and Economics

Abstract. This article describes the general description of the activities of drug production enterprises, the tasks of auxiliary and general production enterprises in the enterprises of the pharmaceutical industry, production processes in these enterprises, and the specific features of accounting in these enterprises. Also, in this article, the need for the organization of drug accounting in drug production enterprises and the description of their tasks, the composition of the main production stage and the specific features of accounting for each process are studied.

Keywords: drugs, drug production enterprises, drug production processes, drug production processes accounting, international standards of financial reporting.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 19 августда қабул қилинган “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида келтирилган “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида халқаро сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солиш” (O‘zbekiston Respublikasi prezidenti, 2025). мақсаддан келиб чиқиб, мамлакатда дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида муҳим вазифалар қўйилди. Жумладан, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини халқаро тажрибалар асосида ташкил этиш орқали сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришиш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамли технологияларни киритиш орқали қайта модернизациялаш, корхоналарнинг дори воситалари ишлаб чиқарилиши учун “GMP” – “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти” миллий сертификатиغا эга бўлишини таъминлаш ва шу каби бошқа бир қанча вазифалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган бўлиб, ушбу муайян вазифалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатда аҳоли учун зарурий, сифатли ва арзон дори воситаларини ишлаб чиқариш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Ушбу долзарб масалалардан келиб чиқиб яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида юқорида қайд этилган жараёнларни амалга ошириш бевосита дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш ва ушбу жараёнларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини илғор тажрибаларга мувофиқлаштириш натижасида эришилади. Шу боис, мазкур илмий изланишлар давомида дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, ушбу тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятлари билан танишиб чиқиш, ҳар жараёнлар бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисобини тизимли равишда юритиш, улар бўйича ахборотларни маъмурий-бошқарув ходимларига бухгалтерия ҳисоботлари орқали батафсил тақдим этиш тадқиқот иши вазифаси сифатида белгилаб қўйилди.

Адабиётлар шарҳи.

Б.Ф.Боронов корхоналарда тайёр маҳсулотларни асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот турларига ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан бўлиб, “тайёр маҳсулотларни уларнинг турлари бўйича молиявий ҳисобот шаклларида акс эттириш ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришга хизмат қилади” (Боронов, 2023) деб ҳисоблайди. Бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш корхоналарида барча ишлаб чиқариш жараёнлари натижасида ишлаб чиқарилган ва тайёр маҳсулот сифатида тан олинадиган

товар-моддий захираларини уларнинг ҳар бир тури бўйича бухгалтерия ҳисобида ёритиш долзарб ҳисобланади.

Бошқа иқтисодчи олимларнинг фикрича, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари асосида шаклланиб, унинг таркибига “Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат маҳсулотига ҳамма ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот киради” (Исмоилов, 2011).

С.Н.Поленова тайёр маҳсулот иқтисодий категориясига ҳисоб нуқтаи назардан талқин қилиб, “корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тугалланган, стандарт ва техника шартларига жавоб берадиган, техник назорат хизмати томонидан қабул қилинган, қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари билан расмийлаштирилган ва тайёр маҳсулотлар омборига топширилган маҳсулот” (Поленова, 2007) деб тавсифлаган. Шунингдек, олимнинг тадқиқот ишида корхоналарда тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш босқичлари бўйича айланишини бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида акс эттириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бошқа турли манбаларда турлича ёндашувлар амалга оширилган. Хусусан, “тайёр маҳсулот – бу ишлаб чиқариш босқичларидан тўлиқ ўтган, белгиланган стандартларга жавоб берадиган ва сотиш ёки фойдаланишга тайёр маҳсулотлардир. Бухгалтерияда бундай товарлар корхона активлари сифатида акс эттирилади ва ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобга олинади. Улар айланма маблағларнинг бир қисмига айланади ва сотишга тайёр маҳсулот сифатида қаралади”.

Тадқиқот методологияси.

Дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш йўналишлари бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнлари уч босқичда амалга оширилади. Асосий ишлаб чиқариш бўлимининг биринчи вазифаси дори воситаларини тайёрлаш цехида амалга оширилиб, ушбу цехда хом ашё ва материаллар, жумладан дори воситалари ишлаб чиқариш учун энг муҳим хом ашё ҳисобланадиган субстанциялар марказий омборхонадан асосий ишлаб чиқариш жараёнига топширилади.

Дори воситалари қадоқланиши талаб этиладиган маҳсулотлар таркибига кирганлиги боис, улар ишлаб чиқариш цехларида тайёрлангандан кейин бирламчи қадоқлаш жараёнини амалга ошириш учун бирламчи қадоқлаш цехига топширилади. Ушбу цехнинг асосий вазифаси дори воситаларини корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ёрдамчи маҳсулотлар ёрдамида қадоқлаш бўлиб ҳисобланади. Дори воситалари бирламчи ўрам (immediate packaging) дори воситалари ва иккиламчи ўрам (outer packaging) дори воситаларига таснифланади. Бирламчи ўрам (immediate packaging) – бу дори воситаларини ўраб жойлаштириш ёки дори воситаси билан бевосита ёпишиб турадиган қадоқ (идиш). Иккиламчи ўрам (outer packaging) – бирламчи ўрамдаги дори воситалари жойлаштирилган ташқи ўрам.

Корхоналарда бирламчи қадоқлаш жараёни тугаганидан кейин, дори воситалари уларни карантинда сақлаш омборхонасига топширилади. Карантинда сақлаш омборхонаси жараёнлари тугаганидан кейин фақатгина, бирламчи ўрам дори воситалари тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ва уларни сотиш мақсадида тайёр дори воситалари омборхонасига топширилади. Иккиламчи дори воситалари эса, мазкур ишлаб чиқариш цехида ярим тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ҳамда кейинги босқичга қайта ишлаш учун топширилади.

Дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари натижасида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар, яъни иккиламчи дори воситалари иккиламчи қадоқлаш цехида қайта қадоқланади. Мазкур цех бўйича жараёнлар якунига етганидан кейин иккиламчи дори воситалари ҳам худди бирламчи дори воситалари каби карантинда сақлаш мақсадида карантинда сақлаш омборхонасига топширилади ва ушбу жараёндан кейингина ушбу маҳсулотлар тайёр маҳсулот сифатида тайёр дори воситалари омборхонасига топширилади.

Корхоналарда асосий ишлаб чиқариш жараёнларидан аввал ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари амалга оширилади. Чунки, ёрдамчи маҳсулотлар асосий ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий таъминот вазифасини бажаради. Бу ишлаб чиқариш жараёнларида қуйидаги цехлар иштирок этади (1-расм)



1-расм. Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари

Манба: Муаллиф ишланмаси

Мазкур ишлаб чиқариш цехлари асосий ишлаб чиқариш цехларини дори воситалари ишлаб чиқаришда зарур бўлган ёрдамчи маҳсулотлар билан таъминлаш жараёнида иштирок этади.


Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш хўжалиги таркиби бошқа корхоналардан фарқ қилиб, мазкур бўлим таркиби қуйидаги қисмлардан иборат бўлади (2-расм).

Корхоналарда умумишлаб чиқариш хўжалигининг асосий вазифаларидан бири бу дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари техника ва технологияларини мунтазам ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини таъмирлаш бўлиб, корхонада ушбу вазифалар муҳандислик бўлимига юклатилган. Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида муҳандислик бўлими ташкилий структураси қуйидагича бўлади (3-расм).



2-расм. Умумишлаб чиқариш хўжалигининг таркибий қисмлари
 Манба: Муаллиф ишланмаси

Корхонада муҳандислик бўлими ташкилий структурасидан кўриш мумкинки, ушбу бўлимда ишлайдиган ходимлар турли хил жараёнларда қатнашиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида мунтазам тарзда хизмат кўрсатади.



3-расм. Муҳандислик бўлими ташкилий структураси
 Манба: Муаллиф ишланмаси

Умумишлаб чиқариш хўжалигининг таркибий қисми ҳисобланадиган мазкур бўлимнинг энг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- * ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг узлуксиз ва авария ҳолатисиз ишлашини таъминлаш;
- * асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини жорий этиш;
- * эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш;
- * энергия ускуналари ва ахборот коммуникацияларининг хавфсиз ишлатилишини таъминлаш;

- * жумладан, энергетик ускуналарни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш;
- * корхонани электр энергияси, буғ, газ ва сув билан таъминлаш жараёнларини бошқариш;
- * энергия ресурсларини тежаш чораларини ишлаб чиқиш;
- * куз-қиш мавсумига тайёргарлик режаларини ишлаб чиқиш;
- * энергия сарфи бўйича ҳисоботларни юритиш;
- * энергетик тармоқларини назорат қилиш;
- * хавф юзага келганда энергия ускуналарини ўчириш;
- * эҳтиёт қисмлар захирасини режалаштириш;
- * техник хизмат кўрсатиш графикларини тузиш;
- * ускуналарни қабул қилиш ва сақлаш;
- * ҳудуд ва ускуналар тозалигини назорат қилиш;
- * ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ва реконструкция қилиш;
- * канализация тизимларининг тўғри ишлашини таъминлаш.

Корхоналарда муҳандислик бўлими томонидан ушбу вазифаларни амалга ошириш дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнида муҳим бўлиб ҳисобланади.

Умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибидаги бўлимларнинг кейингиси, шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қиладиган энг катта бўлим бу сифат департаменти ҳисобланади. Корхоналарда сифат департаменти вазифалари билан қуйида келтирилган жадвал маълумотлари орқали танишиб чиқамиз:


1-жадвал.

Сифат департаменти асосий вазифалари

Сифат назорати соҳасидаги вазифалари	Метрология соҳасидаги вазифалари	Лаборатория ўлчовлари ва синовлари соҳасидаги вазифалари
*дори воситалари сифати бўйича ягона ички сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш;	*ўлчов тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;	*лаборатория синовларини режалаштириш;
*сифат инфратузилмасини ривожлантириш;	*ўлчов воситаларини танлаш ва назорат қилиш;	*синов методикаларини ишлаб чиқиш;
*сифат назоратининг замонавий усулларини ишлаб чиқиш;	*калибрлаш ва текшириш ишларини ташкил қилиш;	*технологик жараёнларни назорат қилиш;
*ишлаб чиқариш материаллари сифатини назорат қилиш;	*лаборатория ва ишлаб чиқаришдаги ўлчовлар аниқлигини таъминлаш;	*дори воситаларини лаборатория синовларидан ўтказиш;
*дори воситалари сифатини барча ишлаб чиқариш босқичларида текшириш;	*янги ўлчов техникаларини жорий қилиш;	*лаборатория синовлари учун намуналар олиш;
*яроқсиз дори воситалари чиқишининг олдини олиш;	*ўлчов воситалари бўйича таҳлил ва ҳисоботлар тайёрлаш.	*лаборатория жиҳозларини квалификация қилиш;
*сифат менежменти тизимини қўллаб-қувватлаш;		*аналитик методларни тасдиқлаш;
*ўлчов воситаларини текшириш ва калибрлаш;		*препаратларнинг барқарорлигини ўрганиш.
*GMP талабларини жорий қилиш;		
*дори воситалари сифати бўйича ҳисоботларни тайёрлаш;		
*ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;		
*дори воситалари барқарорлигини мониторинг қилиш;		
*дори воситаларини чиқаришга рухсат бериш.		

Манба: Муаллиф ишланмаси

Корхонада сифат департаменти яна бир нечта бўлимларга таснифланиб, шундан фақат иккита бўлим умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибига киради. Сифат департаментининг ташкилий структурасини қуйидаги расмда кўриш мумкин:



4-расм. Сифат департаменти ташкилий структураси

Манба: Муаллиф ишланмаси

Расмда келтирилган сифат департаменти таркибига кирувчи умумишлаб чиқариш бўлимлари, уларнинг ташкилий структураси ва вазифалари билан танишиб чиқамиз.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги олиб борилган илмий изланишлар натижаларидан кўриниб турибдики, корхоналарда дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ҳар бир бўлимнинг муайян вазифалари мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади. Дастлаб, ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дори воситалари корхоналарида ярим тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ва кейинги босқичга топширилади. Кейинги босқич асосий ишлаб чиқариш босқичи ҳисобланиб, унинг таркиби учта ишлаб чиқариш жараёнларидан ташкил топган бўлади. Асосий ишлаб чиқариш босқичининг ҳар бир жараёнидан ўтган маҳсулотлар ярим тайёр маҳсулот сифатида бошқа цехга топширилади. Ушбу жараёнлар сўнгида умумий ишлаб чиқариш хўжалиги таркибида фаолият юритадиган учта бўлим бўйича жараёнлар амалга оширилади.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида умумий хулоса қилинадиган бўлса, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бошқа тармоқ ишлаб чиқариш корхоналаридан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу эса, мазкур тармоқ корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишни долзарб қилиб қўяди.

Адабиётлар /Литература/References:

Boronov, B. (2019). THEORETICAL AND CONCEPTUAL BASES OF ACCOUNTING FINANCIAL ASSETS. *International Finance and Accounting*, 2019(4), 6.

Farxodovich, Boronov Bobur, Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna, and Yodgorov Farkhodovich, Boronov Bobur. "IMPROVEMENT OF FINANCIAL REPORTING ON FINISHED PRODUCTS IN THE OIL INDUSTRY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN." *GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY* 25: 38.

<https://www.bss.uz/article/2819-buhgalteriya-isobida-tayr-masulot-asosiy-jiatlar>

Xushvaqt Mansurovich. (2025): "Farmasevtika korxonalarida buxgalteriya hisobining o'ziga xos xususiyatlari." *FRONTIERS OF KNOWLEDGE AND INTERDISCIPLINARY DISCOVERY* 1.1 282-289

Боронов, Б. Ф. (2023) "Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш." Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, -244 б

Боронов, Бобур Фарходович. (2022): "Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш." *ISSN 2181-3191 VOLUME 1, ISSUE 7 OCTOBER 2022* 202284

Исмайлов К.С., Утемуратов А.Б. (2011). Молиявий ҳисоб. Маъруза матни. -Т.: Иқтисод-молия. -356 б.

Поленова С.Н. (2015). Учёт готовой продукции: оценка, выпуск из производства, продажа // Проблемы учёта. 2007. № 23

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025) "Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. 19 август. ПФ-137-сон.

Ўзбекистон Республикасининг (1997) "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни. 30 август, 483-1 сон.